

**«ТАСДИҚЛАНДИ»
«ANOR BANK» АЖ
Акциядорларн умумий йиғилиши
_____ 2020**

(баённома № _____)

Кузатув кенгаши Раиси

**«ANOR BANK» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТҮГРИСИДА
НИЗОМ**

Тошкент-2020

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонунлари ва бошқа қонун хужжатлари, шунингдек «ANOR BANK» АЖ (кейинги ўринларда – банк) Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Низом Банкнинг кузатув кенгаши мақомини белгилайди ва фаолиятини, Банкнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тартибини, шунингдек, Банкнинг кузатув кенгаши аъзоларинининг хуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади

3. Банкнинг кузатув кенгаши банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш жараёнида назорат ва текширув вазифасини бажаради ҳамда умуман банкнинг фаолияти ва молиявий барқарорлиги учун жавобгардир.

4. Банкнинг кузатув кенгаши банкни самарали ва тадбирли бошқаришни, шу жумладан банк бошқаруви аъзолари ўртасида ваколатларнинг ҳамда жавобгарликнинг тақсимланишини, манфаатлар тўқнашувининг олди олинишини ва бартараф этилишини таъминлайдиган бошқарув ташкилий тузилмасини белгилайди ҳамда унинг жорий этилиши устидан назорат ва текширувни амалга оширади.

5. Банкнинг кузатув кенгаши ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Қимматли қофозлар бозори тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг (кейинги ўринларда – Марказий банк) норматив хужжатлари, бошқа қонун хужжатлари, ва шунингдек банк Устави ва банкнинг бошқа локал хужжатларига амал киласди.

2. БАНК КЕНГАШИНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6. Банкнинг кузатув кенгаши аъзолари банкнинг оқилона корпоратив бошқарувига кўмаклашиши ҳамда ўз ваколатларини ва мажбуриятларини бажариш чоғида банкнинг, унинг омонатчилари ва акциядорларининг қонуний манфаатларини инобатга олиши, шунингдек Марказий банк билан самарали ҳамкорликни таъминлаши керак.

7. Банк кузатув кенгашининг ваколатларига қўйидагилар киради:

7.1. банкни стратегик бошқаришда акциядорларнинг, шу жумладан миноритар акциядорларнинг ролини ошириш, халқаро тажрибага асосланган банк бошқарувининг замонавий усулини жорий этиш, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга асосланган банк фаолиятининг устувор йўналишларини аниқлаш;

7.2. акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонун хужжатлари ва банк Уставида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

7.3. акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш, шу жумладан, кун тартибидаги масалалар бўйича зарур маълумотларни тақдим этиш;

7.4. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўtkaziladigani sanan, vaqt va joyni belgilaish;

7.5. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўtkaziliishi haqida xabar qiliish учун банк акциядорларининг реестри шакllantiriladigan sanani belgilaish;

7.6. банкни қайта ташкил этиш ёки тугатиш, банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки банкнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш тўғрисидаги, йилик ҳисоботни тасдиқлаш, аудиторлик текширувни ўtkaziш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида масалаларни Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарор қилиш учун киритиш;

- 7.7. мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- 7.8. банкнинг сиёсати ва йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш, бунда банкнинг кейлгуси йил учун мўлжалланган бизнес-режаси жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирган ҳолда Банкнинг кузатув кенгаши мажлисида тасдиқланиши лозим;
- 7.9. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган ҳолда банк Бошқаруви раисини тайинлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Қонун хужжатларига асосан ва банкнинг ички ҳужжатларида кўрсатилган асосларга биноан, банк Бошқаруви раисини тайинлаш тўғрисидаги қарор хорижий менежерлар ҳам қатнашиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилиниши мумкин;
- 7.10. банк Бошқаруви аъзоларини сайлаш (тайинлаш) ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- 7.11. фақат Банк Кузатув кенгаши, ички аудит хизмати аъзоларидан иборат бўлган Аудиторлик қўмитасини тузиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисботларини тинглаш;
- 7.12. Ахборот технологиялари қўмитасини (IT-қўмита) ва Банк хатарлари назорати қўмитасини тузиш;
- 7.13. банкнинг Тафтишчисига тўланадиган мукофот ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- 7.14. дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- 7.15. банкнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- 7.16. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида банкнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш
- 7.17. шўба ва тобе ҳўжалик жамиятларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш;
- 7.18 баланс қиймати ёки сотиб олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарорни бир овоздан қабул қилиш; Йирик битим тузиш масаласи бўйича Банкнинг кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала Банкнинг кузатув кенгашининг қарорига кўра Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин.
- 7.19. жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун хужжатларида белгилangan тартибда тузиш;
- 7.20. банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 7.21. банк билан боғлиқ (афилланган) шахслар билан битимлар тузишга рухсат бериш, бундай битимларни тузиш тўғрисида қарор банк Акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинадиган ҳоллар бундан мустасно;
- 7.22. банк томонидан корпоратив облигациялар, омонат ва депозит сертификатлар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 7.23. қонун хужжатлари ва банк Уставида белгилangan тартибда акцияларни жойлаштириш (қимматли қофозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- 7.24. банк Бошқарувига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;
- 7.25. банкнинг таркибий бўлинмалари ва филиаллари фаолияти тартибини белгиловчи локал ҳужжатларини тасдиқлаш, қабул қилиш (тасдиқлаш) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва банк Уставига мувофиқ Акциядорлар умумий йиғилиши ва банк Бошқаруви ваколатига олиб борилган локал ҳужжатлар бундан мустасно.
- 7.26. банк Бошқарувининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Банкнинг кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш

учун ушбу ҳужжатларни банк Бошқарувидан олиш; Банкнинг кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

7.27. қўмиталар тузиш ва улар тўғрисида низомлар тасдиқлаш, шунингдек ички аудит ва ички назорат хизматлари низомларини;

7.28. Акциядорлар умумий йиғилиши ва жорий йил учун бизнес-режада белгиланган доирасида хайрия, хомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш шартлари тўғрисида қарорлар қабул қилиш, ҳамда бу тўғрисида барча акциядорларга мажбурий равишда ошкор қилиш. Бунда, хайрия ёки беғараз ёрдамнинг максимал миқдори ҳар йили Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан белгиланади;

7.29. банқда юзага келадиган манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва ҳал қилиш ((банк ва унинг мижозлари учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган банкнинг, унинг таркибий тузимлаларининг ва (ёки) унинг ходимларининг, мижожларининг молмулк ва бошқа манфаатлари ўртасидаги зиддият);

7.30. банк фаолияти тўғрисида эксперт хуносаларини учинчи шахсларга тарқатиш учун олдиндан розилик бериш ва уларни банк веб-сайтида ёки Интернет телекоммуникация тармоғида жойлаштириш;

7.31. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Банк Устави, мазкур Низом ва банкнинг бошқа локал ҳужжатлари билан Банкнинг кузатув кенгаши ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

Банкнинг кузатув кенгаши ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун банк Бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

8. Банкнинг кузатув кенгаши мажбуриятларига қуйидагилар киради:

ўз ваколатларини банк акциядорлари манфаатларида амалга ошириш;

банк фаолиятига ваколатли раҳбарлик қилишни таъминлаш;

банк Бошқаруви билан маслаҳатлашган ҳолда банкнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли бизнес-режаларини тасдиқлаш;

банкнинг тезкор фаолияти, маблағларнинг тўғри сарфланиши ва кредитланиши устидан жорий назоратни амалга ошириш (омонатчилар, кредиторлар ва акциядорларнинг манфаатларини химоя қилиш мақсадида);

стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиши ва улар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш;

активларни таснифлаш асосида активлар бўйича эҳтимолдаги заарларга қарши яратиладиган захиралар шакллантирилиши устидан назорат қилиш, шунингдек банкнинг капитал ва умумий захираларининг етарли даражада сақлаб турилишини таъминлаш;

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш тартибини тасдиқлаш;

банкнинг молиявий ҳолатини тиклаш режаларини тасдиқлаш;

банкнинг бошқаруви устидан назоратни амалга ошириш;

банкнинг қабул қилинган бизнес-режаси бажарилиши устидан назорат қилиш, шунингдек ҳар чоракда банкнинг фаолияти натижалари тўғрисида банк бошқарувининг ҳисботини эшлиши;

банкнинг ички аудит хизмати фаолиятини ташкил этиш, шунингдек банк ички аудит хизматининг чораклик ҳисботлари асосида банк бошқаруви томонидан банк стратегиялари ва сиёсатларига риоя этилишини баҳолашдан ўтказиш;

банк бошқаруви аъзолари томонидан тақдим этилган ахборотни, таклифларни ва тушунтиришларни ўрганиш, муҳокама қилиш ҳамда улар бўйича баҳслашиш;

банк фаолиятини бошқариш тизими самарадорлигини, шу жумладан банк бошқаруви принциплари мониторингини ва уларни даврий баҳолашни амалга ошириш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тегишли чораларни кўриш;

бир йилда камида бир марта амалга оширилган назорат ва текширув фаолияти тўғрисида, шунингдек қонун хужжатларида белгиланган корпоратив бошқарув бўйича таларбларга риоя қилиниги тўғрисидаги ҳисбот акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиш;

йиллик молиявий ҳисботларни тасдиқлаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисботлар тизимининг яхлитлигини таъминлаш;

банкнинг узоқ муддатли молиявий манфаатларини ва Марказий банк томонидан капиталга нисбатан белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда пруденциал талабларга риоя этилишини таъминлаш.

Банкнинг ички назорати тўғрисидаги Низомга риоя қилиниши назоратини амалга ошириш.

3. БАНКНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИНИ САЙЛАШ ТАРТИБИ

9. Банкнинг Кузатув кенгаши 5 кишидан иборат таркибда сайланади. Банкнинг Кузатув кенгаши аъзолари Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан чекланмаган қайта сайланishi хуқуқи билан бир йил муддатга сайланади.

10. Банк Бошқаруви аъзолари ва Бошқарув раиси, Миноритар акциядорлар қўмитаси аъзолари, шунингдек банкда меҳнат шартномаси бўйича ишловчи шахслар Банкнинг Кузатув кенгашига сайланishi мумкин эмас.

Акциядорлардан ташқари банк соҳасидаги олимлар ва мутахассислар Банкнинг Кузатув кенгаши аъзолари бўлиши мумкин

Банк кузатув кенгаши аъзолари ўз мулоҳазаларининг мустақиллиги бўйича талабларга риоя этиши керак.

Кўйидаги ҳолларда шахс кузатув кенгаши аъзолигига сайланishi мумкин эмас ёки сайланган шахс кузатув кенгаши аъзолиги хуқуқидан маҳрум этилади, агар:

шахс икки ёки ундан ортиқ банкнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлса ёки аъзо бўлиш ниятида бўлса, бундан мазкур банклар бир банк гурухига тегишли бўлган ҳоллар мустасно;

шахснинг ваколатлари Марказий банк талабига кўра муддатидан илгари тугатилган бўлса.

11. Банкнинг кузатув кенгаши таркибida камида бир нафар мустақил аъзо бўлиши керак, ушбу аъзо ҳар йили қайta сайланishi мумкин.

Банкнинг Кузатув кенгаши мустақил аъзоси сифатида қўйдаги шахслар тан олинади:

охирги уч йил давомида банкда ва (ёки) банкнинг афилланган шахсларида ишламаган;

банкнинг акционери ва (ёки) банкнинг афилланган шахслари таъсисчиси (акционери, иштирокчisi) бўлмаган;

банкнинг йирик mijzosi ва (ёки) йирик таъминотчиси ва (ёки) афилланган шахси билан фуқаролик-хуқуқий муносабатларга эга бўлмаган. Бунда, йирик mijzosi ва йирик таъминотчи сифатида энг кам иш ҳақининг икки минг баробаридан юқори бўлган амалдаги шартнома мавжуд бўлган шахслар тан олинади;

банк ва (ёки) банкнинг афилланган шахслари билан ҳеч қандай битимга эга бўлмаган, Банкнинг кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлганлар бундан мустасно.

сўнгги уч йил давомида банкнинг бошқарув ва ички назорат органлари ва (ёки) унинг афилланган шахслари аъзоси ҳисобланган ёки бўлган шахснинг турмуш ўртоғи, ота-онаси (ўгай ота-онаси), боласи (асраб олинган), қондош ёки тутинган акаси ёки синглиси ҳисобланмаган;

давлат бошқаруви органи ёки давлат ташкилоти ходими ҳисобланмаган;

12. Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Банкнинг кузатув кенгашига ушбу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

13. Банкнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар биракциядорга тегишли овозлар сони Баннинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига қўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга хақли.

Банкнинг кузатув кенгашида аъзолик қўйидаги асослар бўйича тугатилиши мумкин:

- а) ёзма хабар бериш орқали ўз ваколатларидан ихтиёрий равишда истеъфога чиқишида;
- б) Банкнинг кузатув кенгаши аъзосининг ҳибсга олиниши тўғрисида қонуний кучга кирган айлов хулосасининг мавжудигида;
- в) Банкнинг кузатув кенгаши аъзосининг вафот этиши;
- г) банк акционерлари умумий йиғилиши томонидан тегишли қарор қабул қилинишида;

4. БАНКНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ РАИСИ

14. Банкнинг кузатув кенгаши раиси Банкнинг кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан қўпчилик овоз билан, ушбу Кенгаш таркибидан Банкнинг кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

15. Банкнинг кузатув кенгаши Раиси:

унинг ишини ташкил этади;

Банкнинг кузатув кенгаши мажлисларини чакиради ва уларда раислик қилади;
мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади;

Акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади ва унинг Раёсати таркибига киради, банк номидан Бошқарув раисини ёллаш тўғрисида меҳнат шартномасини тузади;

банк Устави ва қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

16. Банкнинг кузатув кенгаши раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини қонун хужжатларида ва банк Уставида белгиланган тартибда тайинланадиган Банкнинг кузатув кенгаши аъзоларидан бири амалга оширади.

5. БАНКНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

17. Банкнинг кузатув кенгаши мажлиси Банкнинг кузатув кенгаши раиси томонидан ўз ташабусига кўра, Банкнинг кузатув кенгаши аъзоси, Банк тафтишчиси, банк Бошқаруви, камида бир фоиз оддий акциялар акциядорлари, ички аудит хизмати раҳбари, банк ташки аудитори, шунингдек, қонунчилик билан белгиланган бошқа шахслар талабига кўра чакирилади.

18. Банкнинг кузатув кенгаши бир ойда бир мартадан кам бўлмаган тартибда чақирилади. Банкнинг кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум Банкнинг кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 80 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

19. Банкнинг кузатув кенгаши аъзоларининг сони банк Уставида назарда тутилган миқдорнинг 80 фоизидан кам бўлган тақдирда, Банкнинг кузатув кенгаши янги таркибини сайлаш учун Акциядорларнинг фавқулодда (навбатдан ташқари) умумий йиғилишини чакиради. Банкнинг кузатув кенгаши қолган аъзолари фақат акциядорларнинг бундай фавқулодда (навбатдан ташқари) умумий йиғилишини чакириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек банк Бошқаруви раисининг ваколатлари муддатидан илгари тутатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

20. Банкнинг кузатув кенгаши мажлисида қарорлар мажлисда иштирок этувчиларнинг қўпчилик овози билан қабул қилинади, Банкнинг кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинадиган мазкур Низомнинг 7.7, 7.13, 7.14, 7.15, 7.17, 7.18, 7.19, 7.20 ва 7.21 банларида келтирилган масалар бўйича қарорлар қабул қилиш ҳоллари бундан мустасно. Агар кўрсатилган масалалар бўйича Банкнинг кузатув кенгаши келишувига эришилмаса,

Банкнинг кузатув кенгаши ушбу масалаларни банк акционерлари умумий йиғилишига олиб чиқади.

21. Овозлар тенг бўлган тақдирда Банкнинг кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда Банкнинг кузатув кенгаши раиси ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эга.

Банкнинг кузатув кенгаши бир аъзоси ўз овозини Банкнинг кузатув кенгаши бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

22. Банкнинг кузатув кенгаши мажлисида баённома юритилиб, у мажлис ўтказилганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай тузилади ва тасдиқланади.

Банкнинг кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Банкнинг кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

Бунда Банкнинг кузатув кенгаши қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Банкнинг кузатув кенгаши барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

Банкнинг кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни банк Бошқарувига ижро этиш учун топширилади. Банкнинг кузатув кенгаши Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот банк Бошқарувига Банкнинг кузатув кенгаши мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

23. Мажлис баённомасида қўйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда иштирок этган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;

қабул қилинган қарорлар.

24. Банкнинг кузатув кенгаши қарорлари билан (тижорат ва банк сирини ўз ичига олган қарорлардан ташқари) банк акциядорлари танишиб чиқиши мумкин.

6. БАНКНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

25. Банкнинг кузатув кенгаши аъзоси қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Банкнинг кузатув кенгаши мажлисида шахсан иштирок этиш, мажлисда муҳокама қилинаётган масалалар бўйича регламент билан белгиланган вақт чегарасида сўзга чиқиш;

банкнинг муайян давр мобайнидаги фаолияти натижалари, банкни ривожлантириш режалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;

зиммасига юкландиган вазифаларни бажарган ҳолда Банкнинг кузатув кенгашида ишлаганлиги учун муайян миқдорда мукофот олиш.

Банкнинг кузатув кенгаши аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш Банкнинг кузатув кенгаши раиси томонидан Банкнинг кузатув кенгаши ҳар бир муайян аъзоси учун амалга оширилади.

26. Банкнинг кузатув кенгаши аъзосининг мажбуриятларига қўйидагилар киради:

ўз ваколатларини банк манфаатларида амалга ошириш;

банкнинг қонуний, хавфсиз ва оқилона фаолиятини амалга ошириш ҳамда банк мақсадларига эришиш учун мақбул операцион сиёсатни қабул қилиш;

адекват назоратни ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва банк сиёсатларига мувофиқликни таъминлаш учун банк операциялари устидан назоратни амалга ошириш;

банк фаолияти стратегиясини шакллантириш ва банк ривожланиши учун қабул қилинган бизнес-режалар бажарилишини назорат этиш;

банкнинг молиявий ҳолати ва фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни, шу жумладан уларни яхшилаш бўйича банк Бошқаруви томонидан тақдим этиладиган тавсияларни пухта текширилишини амалга ошириш.

27. Битим тарафи банк бўлган битимдан Банкнинг кузатув кенгаши аъзоси молиявий манфаатдор бўлган тақдирда, шунингдек Банкнинг кузатув кенгаши аъзосининг бошқа манфаатлар тўқнашуви ҳолатида Банкнинг кузатув кенгаши аъзоси битим содир этилгунга қадар олдиндан Банкнинг кузатув кенгашини ўз манфаатдорлиги тўғрисида хабардор қилиши керак, битим тўғрисидаги қарор эса бундай манфаатдорликка эга бўлмаган Банкнинг кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан ёхуд Акциядорларнинг умумий йиғилишида кўпчилик овоз билан қабул қилиниши керак. Бунда Банкнинг кузатув кенгаши манфаатдор аъзолари бундай битим бўйича муҳокамада ҳам, қарор қабул қилишда ҳам қатнашмайдилар.

28. Банкнинг кузатув кенгаши аъзолари Банкнинг кузатув кенгаши томонидан у ёки бу тусдаги қарор қабул қилишга таъсир ўтказганликлари учун бевосита ёки билвосита мукофот олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

29. Банкнинг кузатув кенгаши аъзолари банкнинг имкониятлари (банкнинг мулкий ва номулкий ҳуқуқлари, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлари, фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборотлар)дан шахсий бойлик ортириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмаслар.

30. Банкнинг кузатув кенгаши аъзосига тўланадиган мукофот ва компенсация миқдори Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган Банкнинг кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган мукофот тўғрисидаги низом билан белгиланади.

7. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

31. Банк акциядорларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш Банкнинг кузатув кенгаши томонидан:

банк фаолиятини акциядорлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш;

Акциядорлар умумий йиғилишларининг тайёрланиши ва ўтказилишини, овоз бериш, овозларни ҳисоблаш ва қарорлар қабул қилиш тартиботлари назорат қилиш;

устав фондини кўпайтириш ёхуд камайтириш, қўшимча қимматли қоғозлар чиқариш ва бошқалар билан устав капитали улушлари ўзgartирилганда акциядорлар ҳуқуклари чекланишига йўл қўймаслик;

банкнинг самарали дивиденд сиёсатини ишлаб чиқиш;

банк акциядорларининг ўзаро муносабатлари билан боғлиқ масалаларни қўриб чиқиш;

банк Бошқарувнинг ноқонуний ва асосланмаган хатти-харакатлари устидан акциядорларнинг таклифлари ва шикоятларини қабул қилиш ва қўриб чиқиш йўли билан амалга оширилади.

8. БАНК ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ

32. Банкнинг кузатув кенгаши банк Бошқарувидан вақти-вақти билан (камида ҳар чорақда бир марта) банкнинг молиявий аҳволи ва фаолияти, шу жумладан уларни яхшилаш бўйича тавсиялар тўғрисида қисқача маълумотлар ва ёзма ҳисботлар олади, шунингдек, банк Бошқаруви раиси ва ички аудит хизмати раҳбарининг ахборотларини эшитади.

Банкнинг кузатув кенгаши аъзолари ушбу ҳисботларнинг тўғрилигини ва тавсияларни амалга ошириш мумкинлигини аниқлаш мақсадида уларни синчиклаб текширадилар.

33. Банкнинг кузатув кенгаши банк фаолиятини назорат этишни амалга ошириш бўйича мажбуриятларни бажариш учун тегишли қўмиталарни ташкил этади ва улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлади.

Бундай қўмиталарга қўйидагилар киради: аудиторлик қўмитаси, инвестиция қўмитаси, кредит қўмитаси, актив ва пассивларни бошқариш қўмитаси, банк

таваккалчиликларини назорат этиш қўмитаси, ходимларнинг ривожланиши ва сифатини баҳолаш қўмитаси.

34. Хар бир қўмита мустақил йиғилишлар ўтказади ва ўз фаолияти тўғрисида Банкнинг кузатув кенгашига унинг мажлисларида хисобот бериб бориши лозим.

9. ХОДИМЛАРНИ БОШҚАРИШ СИЁСТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

35. Банкнинг кузатув кенгаши банкнинг ходимларни бошқариш сиёсатини, юқори малакали банк раҳбарлари ва ходимларини жалб қилиш стратегиясини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

36. Ходимларни бошқариш сиёсати қўйидагиларни ўз ичига олади:
банк ходимларини мукофотлаш, рағбатлантириш ва жазолаш тизимини;
ўқитиш ва қайта ўқитиш дастурини;
бўш ўринлар пайдо бўлганда раҳбарликка кўтариш тартибини;
банк раҳбарияти ишдан бўшатилиши мажбурий бўлган холатларни белгилашни ўз ичига олади.

37. Банкнинг кузатув кенгаши Банк бошқаруви раисини тайинлаш ва унинг ваколатларини муддатидан аввал тугатишни тасдиқлаш масаласини Акциядорлар умумий ифилишига киритади.

Қонун хужжатлари ва банкнинг ички хужжатларида белгиланган тартибда, банк Бошқаруви раисини тайинлаш тўғрисидаги қарор юқори малакали хорижий мутахассислар ҳам қатнашиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилиниши мумкин.

38. Банкнинг кузатув кенгаши:

- банк Бошқаруви аъзолари ҳамда асосий хизматлар раҳбарлари ишини баҳолаш мезонларини;
- ахлоқ кодексини ва манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш чора-тадбирларини;
- омилкор бўлмаганлиги, вижданан ишламаганлиги, манфаатлар тўқнашуви туфайли банкнинг мансабдор шахслари юклangan вазифалардан четлатиладиган шарт-шароитлар рўйхатини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

10. БАНКНИНГ МАҚБУЛ ДАРАЖАДА КАПИТАЛЛАШУВИНИ САҚЛАБ ТУРИШ

39. Банк капиталини сақлаш ва унинг операциялар кўлами таваккалчилик даражасига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида Банкнинг кузатув кенгаши:

банк томонидан юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларга қарши Марказий банк белгилаган миқдорларда махсус захиралар яратилишини назорат қиласи;

банк Бошқарувидан банк таваккалчиликлари даражаси Марказий банк белгилаганидан юқори бўлмаслигини таъминлашни талаб қиласи;

банк акцияларини жойлаштириш чора-тадбирларини кўради;

банкнинг капитал ва умумий захиралари етарли даражада сақлаб турилишини таъминлайди.

11. БАНКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БИЗНЕС-РЕЖАСИНИ ШАКЛАНТИРИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ

40. Банкнинг кузатув кенгаши банкни ривожлантириш бизнес-режасини (ҳам мустақил равишида, ҳам четдан маслаҳатчилар ва эксперталарни жалб қилган ҳолда) ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, бизнес-режа:

- кредит бериш тўғрисида қарор қабул қилиш сиёсатини;
- кредитларни назорат қилиш тартиботини;
- активлар ва пассивларни бошқариш тизимини;
- инвестициялаш тартибини ўз ичига олади.

41. Банкнинг кузатув кенгаши банкни ривожлантириш бизнес-режаси унинг Бошқаруви томонидан амалга оширилишини таъминлайди.

42. Банкни ривожлантириш бизнес-режаси, коидага кўра, унга зарур ўзгартеришлар ва қўшимчалар киритиши мақсадида, йилига камида бир марта қайта кўриб чиқилади.

12. БАНКНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

43. Банкнинг кузатув кенгаши аъзолари банк ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва банк Уставига мувофиқ жавоб берадилар.

44. Банкнинг кузатув кенгаши йиғилишида овоз беришда қатнашмаган ёки банкка зарар етказишга олиб келган қарор учун қарши овоз берган Банкнинг кузатув кенгаши аъзолари жавобгарликдан озод қилинадилар.

13. ЗАКЛЮЧИТЕЛЬНЫЕ ПОЛОЖЕНИЯ

45. Мазкур Низом, шунингдек унга киритиладиган ўзгартериш ва қўшимчалар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади